

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

УМАРОВА ЗАХРО АБДУРАХИМ ҚИЗИ

**МЕДИАРЕСУРСЛАР ВОСИТАСИДА ТАЛАБАЛАР
МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.06 – Электрон таълим назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctoral of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Умарова Захро Абдурахим қизи

Медиаресурслар воситасида талабалар мустақил таълимини ташкил
этиш методикасини такомиллаштириш..... 3

Умарова Захро Абдурахим қизи

Усовершенствование методики организации самостоятельного
обучения студентов посредством медиаресурсов
..... 24

Umarova Zakhro Abdurakhim qizi

Improving the methodology of organizing independent learning of students
through media resources 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 50

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

УМАРОВА ЗАХРО АБДУРАХИМ ҚИЗИ

**МЕДИАРЕСУРСЛАР ВОСИТАСИДА ТАЛАБАЛАР
МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.06 – Электрон таълим назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Филсофа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Ped2044 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ҳамда "ZiyoNET" ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Муслимов Нарзулла Алиханович педагогика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ибрагимов Холбой Ибрагимович педагогика фанлари доктори, профессор Якубов Мақсадхон Султанович техника фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01-рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил "21" декабрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-79-11, факс: (+99871) 276-80-86, e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг ахборот-ресурс марказида танишни мумкин (1447 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-79-11; факс: (+99871) 276-80-86.)

Диссертация автореферати 2021 йил "10" декабрь куни тарқатилди.
(2021 йил "10" декабрь даги 38 -рақамли реєстр баённомаси).


Б.С.Абдуллаева
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор
Р.Р. Исмоилов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, ф.п., доцент
А.Х.Махмудов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби ва илмий семинар
раиси, п.ф.д. (DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълимнинг замонавий ривожланиш тенденциялари олий таълим ташкилотларидаги асосий эътиборни “ўқитиш” (teaching) парадигмасидан “ўрганиш” (learning) парадигмасига ўтиши билан характерланади. Шу боис, таълим олишнинг турли шакллари, хусусан, мустақил таълим жараёнига медиаресурсларни интеграция қилиш, уларнинг педагогик имкониятларини аниқлаш, медиа таълим муҳитини шакллантиришга йўналтирилган медиаресурслар базасини такомиллаштириш, талабаларнинг мустақил билиш фаолиятини амалий касбий фаолиятга йўналганлигини таъминлаш, мустақил таълим жараёнини ташкил этиш методикасини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирди.

Жаҳон миқёсида талабалар мустақил таълимини ташкил этишнинг илмий-назарий ва методик асосларини такомиллаштириш, таълим жараёнини ахборотлаштириш, талабаларнинг АКТ, рақамли технологиялар ва медиа саводхонлик борасидаги билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш масалалари бўйича Жанубий Корея, АКШ, Германия, Россияда тадқиқот техник университети каби кўплаб муассасаларда илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда талабаларнинг мустақил таълим олишини халқаро талабларга мос янги форматларда ташкил этиш, ўқув жараёнида ижодий фикрлаш, компетенцияларни кучайтиришга қаратилган методика ва технологияларни жорий этиш, мустақил таълим соатлари улушини ошириш, ўқув жараёнини амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилди. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида “таълим сифатини таъминлаш жараёнига талабаларни кенг жалб этиш ҳамда “тьюторлик” ташкилий-методик ёрдам тизимини жорий этиш орқали талабаларнинг мустақил таълим олиш фаолиятини ривожлантириш”¹ устувор вазифалар этиб белгиланган. Ушбу устувор вазифаларни амалга ошириш олий таълим ташкилотларида талабаларнинг мустақил таълимини электрон таълимий медиа муҳитда ташкил этиш, уларда рақамли ва медиа-ахборот сингари касбий компетенцияларни ривожлантириш, медиаресурслар воситасида талабалар мустақил таълимини ташкил этиш методикасини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сон “Таълим тўғрисида” Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06/19/5847/3887-сон, 09.10.2019 й.

кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2020 йил 6 октябрдаги ПҚ-4851-сон “Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни ИТ–индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари, 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари ҳамда бошқалар мазкур тадқиқот муаммосининг ҳукуқий-меъёрий базаси сифатида хизмат қилади ва тадқиқот ишимиз долзарблигини белгилайди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳукуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таълимни ахборотлаштириш ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг педагогик асослари, электрон таълим муҳитини ташкил этиш, электрон ахборот таълим ресурсларини яратиш ва қўллаш масалалари А.Абдуқодиров, М.Арипов, У.Бегимқулов, Р.Боқиев, Ф.Закирова, М.Мамаражабов, Л.Набиулина, С.Турсунов, М.Файзиёва, Ж.Ҳамидов, Ф.Ғаффаров; медиа, медиа таълим, медиакомпетентликни такомиллаштириш масалалари С.Бабаджонов, С.Бекназарова, Х.Кадиров, Я.Маматова, Х.Некбоев, С.Сулаймонова, мустақил таълимни ташкил этишнинг назарий-методик асослари Н.Муслимов, З.Нишонова, Т.Ниязметова, Ж.Толипова, Н.Халилов, Ш.Юнусова, О.Кўйсинаовлар томонидан тадқиқ этилган.

Н.Апатова, В.Гершунский, В.Леднев, И.Роберт ва бошқалар таълимни ахборотлаштириш масалаларини; Д.Бааке, В.Возчиков, Я.Засурский, В.Мантуленко, А.Новикова, В.Осин, Л.Федотова, И.Фомичева каби олимлар ўз илмий ишларида медианинг моҳияти ва функциялари, уларни таълим жараёнига жорий этиш истиқболлари, ахборотни идрок этиш хусусиятларига кўра медиаресурсларнинг дидактик ва таълим имкониятларини; М.Александрова, Д.Залагаев, Н.Караулова, Т.Павлова, А.Плавкина медиа таълим элементларини информатика фанига интеграция қилишни; И.Жилавская, Л.Зазнобина, Ю.Усов, А.Федоров, И.Челишева, А.Шариков каби медиапедагоглар ўз тадқиқотларини интенсив амалиёт билан бирлаштириб, медиа таълим соҳасини ривожлантириш масалаларини; А.Айзенберг, А.Баранников, В.Беспалко, В.Бондаренко, А.Громцева, М.Князева, М.Колдина, М.Кузьмина, Б.Райский, В.Сластенин каби кўплаб педагоглар мустақил таълим назарияси ва амалиёти муаммоларини; К.Кречетников, Е.Полат, А.Уваровлар педагогик дизайн соҳасидаги долзарб масалаларни атрофлича ўрганишган.

Медиа таълим, медиа компетентлик, медиа хабарларни жорий этиш бўйича тадқиқотлар А.Hart, R.Hobbs, S.Ladislaus, M.McLuhan, A.Silverblatt, D.Suss, C.Wing; педагогик дизайннинг асосий принциплари ва амалий стратегияларини ишлаб чиқиш бўйича J.Bruner, N.Crowder, B.Skinner, P.Smith; мустақил таълим ва уни ташкил этиш масалалари бўйича S.Brookfield, G.Fischer, Ch.Hayes, M.Knowles, H.Long, E.Scharff, A.Toughлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Тошкент давлат педагогика университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2018-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади медиаресурслар воситасида талабалар мустақил таълимини ташкил этиш методикасини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

талабалар мустақил таълимини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнига қўйилаётган талабларни дидактик имкониятларини аниқлаштириш;

талабалар мустақил таълимини ташкил этишнинг педагогик моделини такомиллаштириш;

талабалар мустақил таълимини электрон таълимий медиа муҳитда ташкил этиш методикасини такомиллаштириш;

талабаларнинг рақамли, медиа-ахборот компетентлигини баҳолаш мезонлари, кўрсаткичлари ва даражаларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида медиаресурслар воситасида талабалар мустақил таълимини ташкил этиш методикасини такомиллаштириш жараёни бўлиб, Тошкент давлат педагогика университети, Чирчиқ давлат педагогика институти, Қўқон давлат педагогика институтларининг жами 599 нафар талабаси жалб қилинган.

Тадқиқотнинг предмети медиаресурслар воситасида талабалар мустақил таълимини ташкил этиш методикасини такомиллаштиришнинг мазмуни, шакл ва методлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида қўйилган мақсадга эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал этишда қуйидаги методлардан, хусусан: соҳага доир психологик-педагогик, илмий-методик адабиётларни қиёсий ҳамда танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш, ижтимоий-педагогик (кузатиш, тест, сўровнома, суҳбат), тажриба-синов, натижаларни математик ва статистик қайта ишлаш каби методлар мажмуидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

талабалар мустақил таълимини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнига қўйилаётган дидактик имкониятлар ўқитиш шакллари, усуллари ҳамда ўқув жараёнининг субъектлари фаолиятини қайта кўриб чиқиш ҳамда таълим жараёнига дастурий-интеллектуал ресурс киритиш орқали ривожлантирилган;

талабалар мустақил таълимини ташкил этишнинг педагогик модели “METosphere” технологияси ва Блумнинг рақамли таксономияси билимларни тизимли равишда ахборотлашган жамиятнинг илмий-техник тараққиёт тенденцияларига интеграциялаш ҳамда амалий йўналтирилган касбий фаолиятнинг функционал жиҳатлари мувофиқлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган.

талабалар мустақил таълимини электрон таълимий медиа муҳитда ташкил этиш методикаси касбий-дастурий воситаларни ўзида мужассам этган медиаресурслар (ахборотни самарали излаш алгоритми, ахборотни таҳрирлаш технологияси, профессионал тақдимот яратиш, 3D эффектли электрон қўлланма яратиш, Caption Video тарзида видео қўлланма яратиш, ижтимоий медиани юритиш) базаси билан тўлдирилган интерактив ва дўстона фойдаланувчи интерфейсга эга “METосфера: электрон мустақил таълим медиа муҳити” дастурий таъминоти орқали медиа таълим муҳитида мустақил таълим олиш имкониятларини жорий этишга қаратилган фаолиятли ёндашув асосида такомиллаштирилган;

талабаларнинг рақамли, медиа-ахборот компетентлигини интеллектуал, амалий, рефлексив ёндашувларга асосланган кўп босқичли баҳолаш мезонлари, кўрсаткичлари ва даражаларини “peer review” тамойилига кўра, “constructive feedback” асосида рефлексия ҳамда эксперт баҳолаш методларидан фойдаланган ҳолда такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

талабанинг билим даражасига мослашувчан, мустақил таълим олиш имконини берувчи узлуксиз кетма-кетликга эга ва турли тизимларга осон интеграцияланувчи “METосфера: электрон мустақил таълим медиа муҳити” дастурий таъминоти ишлаб чиқилган;

медиа таълим муҳитида талабалар мустақил таълимини амалга оширишга мўлжалланган “Таълимда ахборот технологиялари” фанининг такомиллашган мазмунига оид мавзулар асосида касбий-дастурий воситаларни ўзида мужассам этган, ўзбек тилидаги медиаресурслар базаси кенгайтирилган;

“Таълимда ахборот технологиялари” фани доирасида талабалар мустақил таълимини ташкил этиш жараёнига интерфаол методлар билан бир қаторда “METosphere” технологиясини тадбиқ этиш асосида мазкур фаннинг мазмуни ва ўқув-методик таъминоти такомиллаштирилган;

медиаресурслар воситасида талабалар мустақил таълимини ташкил этишнинг педагогик моделида “peer review” тамойилига кўра, “constructive feedback” асосида рефлексия ҳамда эксперт баҳолаш методларидан фойдаланган ҳолда талабалар компетентлигини кўп босқичли баҳолаш мезонлари, кўрсаткичлари ва даражалари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги педагогик таълим соҳасидаги республикамиз ва хорижий давлатлар олимлари ҳамда амалиётчиларининг ишларига асосланганлиги; реал педагогик амалиёт ва педагогик тажриба таҳлили, тадқиқот вазибаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланганлиги; тажриба-синов

иштирокчилари танланмасининг репрезентативлиги, олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари воситасида асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти медиаресурслар воситасида талабалар мустақил таълимни ташкил этиш методикасини такомиллаштириш мазмунининг ёритилганлиги; “Таълимда ахборот технологиялари” фанининг такомиллаштирилган мазмуни асосида таклиф этилган “METosphere” технологияси, яратилган медиаресурслар базаси ва “METосфера: электрон мустақил таълим медиа муҳити”дан педагогик олий таълим ташкилотлари талабаларининг мустақил таълимни ташкил этиш жараёнини сифат ва самарадорлигини оширишда фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, яратилган “METосфера: электрон мустақил таълим медиа муҳити” педагогик олий таълим ташкилотларида бакалавриятнинг турли таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш жараёнида қўлланила олинishi билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Медиаресурслар воситасида талабалар мустақил таълимни ташкил этиш методикасини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

талабалар мустақил таълимни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнига қўйилаётган талабларни педагогик имкониятлари таълим жараёнида медиаресурслардан фойдаланиш, медиа-ахборот компетентлик (media-information competence), рақамли компетентлик (digital competence), педагогик дизайн (instructional design) масалалари бўйича таснифлаш ҳамда тизимлаштириш асосида илгари сурилган тавсиялар ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 29 сентябрдаги 02-07-2668/04-сон маълумотномаси). Натижада медиаресурслар воситасида талабалар мустақил таълимни ташкил этиш мазмуни, дидактик шарт-шароитлари ва методикасини такомиллаштиришга оид илмий таклиф ва тавсиялар “Таълимда ахборот технологиялари” фани бўйича бакалаврият таълим йўналишларининг таълим жараёни мазмунига сингдирилган;

талабаларнинг мустақил таълимни ташкил этишнинг педагогик моделини интерфаол методлар билан бир қаторда “METosphere” технологияси ва “Таълимда ахборот технологиялари” фани доирасида мотивацион медиаресурслар билан тўлдирилган таълим муҳити – “METосфера: электрон мустақил таълим медиа муҳити”ни қўллаш асосида такомиллаштириш бўйича илгари сурилган тавсиялар ОТ-Ф-1-118 рақамли “Бўлажак ўқитувчиларнинг замонавий ахборот компетентлигини ривожлантириш тамойилларини тадқиқ этиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 29 сентябрдаги 02-07-2668/04-сон маълумотномаси). Натижада, талабалар мустақил таълим жараёнини ташкил

этиш модели мазмуни, кенгайтирилган медиаресурслар базаси, интерфаол методлар, амалиётга йўналтирилган лойиҳа технологияси, “METosphere” технологиясини амалиётга кенг жорий этиш орқали такомиллаштирилган ҳамда таълим жараёnlари самарадорлигини оширишга эришилган.

талабалар мустақил таълимини электрон таълимий медиа муҳитда ташкил этиш методикаси касбий-дастурий воситаларни ўзида мужассам этган медиаресурслар (ахборотни самарали излаш алгоритми, ахборотни тахрирлаш технологияси, профессионал такдимот яратиш, 3D эффектли электрон қўлланма яратиш, Caption Video тарзида видео қўлланма яратиш, ижтимоий медиани юритиш) базаси билан тўлдирилган интерактив ва дўстона фойдаланувчи интерфейсга эга “METосфера: электрон мустақил таълим медиа муҳити” дастурий таъминоти орқали медиа таълим муҳитида мустақил таълим олиш имкониятларини жорий этишга қаратилган фаолиятли ёндашув асосида такомиллаштириш бўйича тавсиялар ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 29 сентябрдаги 02-07-2668/04-сон маълумотномаси). Натижада, мустақил таълимни ташкил этиш учун яратилган, мослашувчан, талабаларнинг мустақил таълим олиш имконини берувчи “METосфера: электрон мустақил таълим медиа муҳити” учун “Таълимда ахборот технологиялари” фанининг такомиллашган мазмуни асосида ўзбек тилидаги медиаресурслар базаси кенгайтирилган ҳамда дастурий таъминотга сингдириш ва амалиётга жорий этиш орқали мустақил таълим жараёнида талабалар томонидан ахборотларни идрок қилиниш самарадорлиги ортишига хизмат қилган;

талабаларнинг рақамли, медиа-ахборот компетентлигини интеллектуал, амалий, рефлексив ёндашувларга асосланган кўп босқичли баҳолаш мезонлари, кўрсаткичлари ва даражаларини “peer review” тамойилига кўра “constructive feedback” асосида рефлексия ҳамда эксперт баҳолаш методларидан фойдаланган ҳолда такомиллаштириш бўйича тавсиялар ОТ-Ф-1-118 рақамли “Бўлажак ўқитувчиларнинг замонавий ахборот компетентлигини ривожлантириш тамойилларини тадқиқ этиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 29 сентябрдаги 02-07-2668/04-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларда рақамли ва медиа-ахборот компетентлигини ривожланганлик даражасини самарали баҳолаш ҳамда рақамли ва медиа-ахборот компетентликни ривожлантириш технологиялари самарадорлигини аниқлаш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 7 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, шундан, 2 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 140 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, ишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети баён этилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Медиаресурслар воситасида талабаларни мустақил таълимни ташкил этишнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобда медиа таълим муҳити педагогик муаммо сифатида таҳлил қилинган, медиа тушунчаси моҳияти ўрганилган ва классификацияси келтирилган. Замонавий дунёда медиа таълимни – талабаларда медиа маданиятини шакллантириш, медиа матнларни таҳлил қилиш, идрок этиш, талқин қилиш ва баҳолаш, ижодий, креатив, коммуникатив кўникмаларни, танқидий фикрлашни ривожлантиришда медиа технологияларидан фойдаланган ҳолда мустақил таълимнинг турли шаклларини ўргатишга йўналтирилган медиа ресурслари орқали шахсни ривожлантириш жараёни деб таърифлаш мумкин.

Медиа таълим талабаларнинг медиа компетентлигини ривожлантириб, медиа билан алоқа жараёнида танқидий ёндашишни ҳамда касбий-педагогик фаолиятидаги аҳамиятини тушунишни осонлаштиради.

Медиа компетентлик – бу медиа таълим натижаси сифатида шахснинг медиа хабарларни саралаш, излаш, баҳолаш, сақлаш, узатиш, қайта ишлаш ҳамда уларга таянган ҳолда медиа маданиятининг янги элементларини яратиш, ривожлантириш ва такомиллаштириш каби қобилиятларидир.

Мазкур тадқиқот ишимиз давомида медиа компетентликга эга бўлажак ўқитувчи деганда фаолиятининг барча соҳаларида, айниқса, келгуси касбий-педагогик фаолиятида медиа ахборотни излаш, тўплаш, саралаш, баҳолаш, уларни қайта ишлаш ва янги медиа матнларни яратиш билан боғлиқ медиа соҳасидаги билимлари ва медиа кўникмаларини қўллаб, медиа воситалар ва технологиялардан фойдалана оладиган мутахассис назарда тутилади.

Ю.Н.Горуннинг таъкидлашича, “медиа компетентлик медиа саводхонлик орқали қўлга киритилади, бу эса, ўз навбатида, медиа таълим ёки медиа мустақил таълим жараёнида эришилади”. Шу муносабат билан таълимнинг якуний натижалари тизимида саводхонлик тушунчасини бошланғич, элементар даражага қўйган Б.С.Гершунскийнинг фикрларига таянган ҳолда, у таклиф этган таълим натижаларининг умумий педагогик жараён схемасига асосланиб, медиа саводхонлик => медиа компетентлик педагогик занжирини ҳосил қиламиз. Демак, медиа компетентлик тушунчаси медиа саводхонлик тушунчасига нисбатан кенгроқ ва мураккаброқ тушунча. Медиа саводхонлик медиа компетентликнинг асосини ташкил этади.

Сўнгги йилларда ЮНЕСКО ахборот саводхонлиги ва медиа саводхонлигини, АКТ ва рақамли саводхонликлар билан биргаликда

бирлаштириб, ўзаро интеграциялашган “медиа-ахборот саводхонлиги” атамасидан фойдаланишни таклиф қилмоқда, чунки М.Маклюэн таъкидлаганидек, “... Ҳақиқатдан ҳам саводли бўлиш учун медиа оламида саводли бўлиш керак”.

Медиа-ахборот саводхонлиги – бу инсоннинг тобора глобаллашиб бораётган рақамли дунёда муносиб ҳаракат қилишига имкон берувчи билим, кўникма ва малакалар мажмуи. Медиа-ахборот саводхонлиги ахборотни топиш, баҳолаш, тушуниш, турли хил медиа ахборот воситаларидан танқидий ва самарали фойдаланиш қобилияти сифатида талқин этилади.

Медиа-ахборот саводхонлигини ўзлаштирган ўқитувчилар таълим олувчиларининг ўқиш, мустақил таълим олиш кўникмаларига эга бўлишларига ва ҳаётлари давомида таълим олишларига янада самарали ёрдам бера олади.

Шулардан келиб чиқиб, диссертацияда рақамли ва медиа-ахборот компетентликларини қуйидагича талқин этилди: Рақамли компетентлик – шахснинг ижтимоий ҳаёти ва касбий фаолияти давомида рақамли технологиялар (АКТ, мобил қурилмалар ва ҳ.к.) дан самарали ва хавфсиз фойдалана олиш, Интернет қидирув технологияларидан фойдалана билиш, маълумотларни танқидий таҳлил қилиш ва унинг ишончилигини текширишда онлайн хизматлар ва рақамли воситалардан фойдаланиш истаги ҳамда бутун жаҳон тўрига жойлаштириш учун медиа контент яратишда уларни қўллаш олиш қобилиятини англатади. Медиа-ахборот компетентлиги – эса медиа, ахборот, АКТ, рақамли ва ҳ.к. компетентликларнинг ўзаро интеграцияси бўлиб, шахснинг кундалик ва касбий фаолиятидаги муаммоларни ҳал этишда ахборот ва медиа хабарларни излаш, танқидий ва креатив ёндашган ҳолда таҳлил қилиш, баҳолаш, ишончилигини текшириш, фейк хабарларни ажрата олиш, шахсий медиа маҳсулотларини ярата олиш, турли хил медиа ва рақамли технологиялар ҳамда замонавий АКТ воситаларидан самарали фойдаланиш қобилиятидир.

Диссертация ишининг мазкур бобида юқорида келтирилган тушунчалар изоҳи билан бир қаторда, инсонлар томонидан ахборотни қабул қилинишининг индивидуал психологик хусусиятлари ҳам баён этилган, шунингдек, уларнинг сифатлари тузилмаси ёритилган. Унга кўра кўплаб талабалар мустақил ишлаш қобилиятининг базавий кўникмаларига эга бўлишади, аммо улар маълумотларни фақат эшитиш сўнгра ўқиш ва конспеклаш (ёзиб олиш) орқали қабул қила олади. Мустақил тарзда ўзлаштириладиган маълумотларни қабул қилиш, тушуниш, қайта ишлаш, талқин қилиш ва ёзиб бориш талабаларга бирмунча қийинчилик туғдиради, бу эса ўз навбатида уларнинг мустақил ишлаш жараёнига психологик тайёр эмаслигини кўрсатади. Шундай экан, таълим ва тарбия жараёнини ташкил этишда хоҳ у таълим муассасасида бўлсин ёхуд мустақил тарзда бирор ахборотни қабул қилиб уни ўзлаштиришда таълим олувчиларнинг идрок этиш (визуал, аудиал, ўқиш/ёзиш ва кинестетик) хусусиятларини инобатга олиш, унинг идрок хусусиятларидаги устунликларидан унумли фойдаланиш даркор.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, инсонлар орасида 100% у ёки бу типга мос келувчиларни учратиш жуда қийин. Шунинг учун ҳам, VARK модели тўрт қисмли VARK профилига асосланган (1-расм).



1-расм. Нил Флемингнинг VARK профили

Диссертациянинг “Талабалар мустақил таълимини ташкил этишда медиаресурсларни яратиш технологиялари” деб номланган иккинчи бобида медиаресурсларнинг мазмуни ва хусусиятлари ҳамда уларни яратишга қўйиладиган талаблар баён этилган.

Ўрганилган қатор тадқиқотчи олимлар ва педагог ходимлар ишларидан кўринадики, улар ўз илмий изланишлари давомида мустақил таълим жараёнига шакл жиҳатдан турли, мазмунан бир хил: “талабаларнинг белгиланган топшириқлар бўйича, ўқитувчининг методик раҳбарлигида, аммо унинг бевосита иштирокисиз амалга оширилувчи аввалдан режалаштирилган таълимий фаолияти” дея изоҳ беришган. Тадқиқот ишимиз доирасида биз мустақил таълим тушунчасини қуйидагича талқин этдик: мустақил таълим – бу махсус ажратилган вақтда ташкил этилган, ўқитувчи томонидан белгиланган дидактик мақсадлар (янги маълумотларни излаш, уларни англаш, билим олиш, аввалгилари билан умумлаштириш, тизимлаштириш ва мустаҳкамлаш, малака ва кўникмаларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш)га эришиш борасида

амалга ошириладиган талабаларнинг ҳар қандай тизимли ташкил этилган таълимий фаолиятидир.

Тадқиқот ишимиз давомида ўрганилган ўқув-норматив ҳужжатлар ҳамда мазкур йўналишда изланиш олиб борган тадқиқотчи олимларни фикрларига таянган ҳолда талабалар томонидан бажариладиган мустақил ишларга қуйидаги умумий талаблар аниқланди:

бир нафар талаба томонидан шахсан бажарилган иш бўлиши ёки жамоавий бажарилган ишнинг мустақил равишда талаба томонидан амалга оширилган қисми бўлиши;

тасдиқланган ўқув режаси асосида ўрганилаётган фан ёки таълим олувчининг келажакдаги касбий фаолиятига тегишли амалий фаолият соҳасининг долзарб муаммоларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва очиб беришга йўналтирилган яқунланган тўлиқ иш ёки ишнинг тўлиқ яқунланган босқичи бўлиши;

талабанинг тадқиқ этилаётган масалаларда етарлича саводхонлигини ва компетентлигини тўлиқ намойиш этиши;

жараённинг таълимий, илмий ва амалий йўналишлардан бири ёки бир нечтасига қаратилган бўлиши, ҳозирги кунда муҳим, аҳамиятга молик бўлиши;

янгиликнинг маълум элементларини ўз ичига олиши, яъни фаолият сўнгида муайян талабларга жавоб берувчи натижага эришилганини намоён этиши.

Ўз навбатида, талабалар мустақил таълимини ташкил этишга қўйилаётган талаблар асосида тадқиқот ишимизда талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этишнинг воситаси сифатида қаралаётган медиаресурсларга қўйиладиган талабларни тадқиқ этишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Чунки талабалар мустақил таълимини ташкил этишнинг воситаси сифатида қаралаётган медиаресурсларини яратиш жараёнида унга қўйилаётган талаблар ҳамда талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш жараёнига қўйилаётган талабларни инобатга олмасдан ташкил этиш нафақат ишнинг самарадорлигини пасайтириши, балки муваффақиятсизликга олиб келиши мумкин.

Биз тадқиқотчи О.Рахимов томонидан электрон таълим ресурсларига берилган таърифга қўшиламыз: “электрон таълим ресурси – фойдаланувчи, яъни таълим олувчининг шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда автоматик ростилаш имконини берувчи, эгалланган билимни автоматик назорат қилиш тизими билан бирлашган ўқув материалларини узатиш (еткизиш) тизими ҳисобланади”. Тадқиқотимиз давомида, электрон таълим ресурсларининг хусусий ҳолатини, яъни таркибий қисмларини ажратиб, уларни таҳлил ва синтез қилинди ва мазкур жараёнда медиаресурс тушунчаси қуйидаги кўринишда талқин этилди: медиаресурс – бу ўқув жараёни давомида билим олиш ва кўникмаларни ҳосил қилишда фойдаланиладиган ахборотни қабул қилишнинг алоҳида канали (кўриш, эшитиш, англаш, тушуниб етиш) ёки уларнинг комбинацияси орқали идрок қилиш учун мўлжалланган турли шаклдаги ўқув материаллари манбааси тушунилади. Демак, медиаресурс – ўқув мақсадларида фойдаланиладиган электрон таълим ресурсининг ташкилий компоненти.


Ўқув мақсадларида фойдаланилувчи таълимий медиаресурслар ҳам электрон таълим ресурсларига қўйиладиган педагогик, психологик, дидактик, методик, эргономик, эстетик, техник ва технологик талабларга жавоб бериши керак (2-расм).



2-расм. Таълимий медиаресурсларга қўйиладиган талаблар

Медиаресурслар воситасида талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш – тасдиқланган фан мазмунидаги мустақил ўрганиш, тадқиқ этиш учун белгилаб қўйилган мавзулар бўйича аввалдан аниқ кўрсатилган билим, кўникмалар, малакаларни шакллантириш ва ривожлантириш мақсадидаги, ўқув-услубий адабиётлар ва қўлланмаларнинг ўзи билан чекланиб қолмасдан, балки мазкур ахборотни қабул қилишнинг мақбул барча каналларини қамраб оладиган интерактив медиаресурслар билан таъминланган, қўлга киритилган янги маълумотни, олинган билимларни мустақамлаш ва турли (ўқув, амалий, тадқиқот ва бошқа) ишларни бажариш учун талабанинг мустақил равишда олиб борган фаолияти ҳисобланиб, унинг самарадорлигини баҳолаш учун натижани (тестлар, имтиҳонлар, баёнлар, рефератлар, ҳисоботлар ва қўлга киритилган натижаларни баҳолашнинг бошқа турлари кўринишида) назорат қилувчи жараёни назарда тутади.

Диссертациянинг **“Медиаресурслар воситасида талабалар мустақил таълимини ташкил этишнинг методик тизимини такомиллаштириш бўйича тажриба-синов ишлари”** деб номланган учинчи бобида медиаресурслар воситасида талабалар мустақил таълимини ташкил этишнинг педагогик модели (3-расм) келтирилган, унда “METosphere” технологияси асосида талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш жараёни ёритилган.



3-расм. Медиаресурслар воситасида талабалар мустақил таълимни ташкил этиш модели

Шу билан бир қаторда педагогик тажриба-синовни ташкил этиш, ўтказиш, ва унинг тахлилий натижалари келтирилган.


“Таълимда ахборот технологиялари” фанини ўқитиш жараёнида медиаресурслар воситасида талабалар мустақил таълимини ташкил этишнинг педагогик модели, “METosphere” технологияси ва “METосфера: электрон мустақил таълим медиа муҳити” синовдан ўтказилди. Унда мустақил таълимни ривожлантиришнинг методик асосларида таълим мазмуни, шакл, метод, восита, дидактик шарт-шароитлар “METosphere” технологияси ва уни ташкил этиш босқичлари негизида таҳлил қилинди.

“METosphere” технологияси 6 та босқич асосида ташкил этилиб, унга кўра 1-Learn босқичида талаба махсус яратилган электрон мустақил таълим медиа муҳити орқали мустақил равишда ўқиш, ўрганиш ва тушуниш фаолияти билан шуғулланади, мавжуд билимларини мустаҳкамлайди, янги билимларни эгаллайди. 2-Practice босқичида қўллаш фаолияти, ўзлаштирилган тушунчаларини мустақил равишда амалий бажариб, татбиқ этади. 3-Innovate, Improve, Optimize босқичига ўтганда трансформацион фаолият яъни олинган билимларни ва мавжуд усулларни такомиллаштиради, оптималлаштиради. 4-Feedback босқичида трансформацион фаолият натижаларини намойиш этади ва “peer review” тамойили, яъни ўз доирасидаги инсонлар (тенгдошлари, курсдошлари) фикри асосида “constructive feedback” йиғади. 5-Reflection босқичида рефлексив фаолият орқали ўзининг ютуқ ва камчиликларини таҳлил этади ва хулосалар чиқаради. Сўнгги 6-Create босқичида, барча босқич натижа ва хулосаларига таянган ҳолда креатив яратувчанлик фаолияти билан шуғулланади. Мазкур босқичда мустақил таълим фаолияти якунидаги яратувчанлик фаолияти натижалари (курс иши, ижодий лойиҳалар ва ҳ.к) ўқитувчига маълумотни узатишнинг замонавий рақамли усуллари (электрон почта, телеграм ва ҳ.к) орқали тақдим этилади.

“METosphere” технологиямизни амалга ошириш учун тадқиқотимиз давомида махсус “METосфера: электрон мустақил таълим медиа муҳити” деб номланувчи таълимий дастурий таъминот ишлаб чиқилди. Уни яратишда талабаларни мустақил таълимга бўлган қизиқишлари, мотивациясини ошириш, дўстона ва интерактив интерфейсни яратиш шартлари каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Талабалар мустақил таълимини ташкил этиш жараёнида фойдаланувчи-талаба томонидан мазкур дастурий таъминот билан ишлаш жараёни кетма-кетлиги махсус блок схема кўринишида (4-расм) келтирилган.

Бундан ташқари, медиаресурслар воситасида педагогик олий таълим ташкилотлари талабаларининг мустақил таълимини “Таълимда ахборот технологиялари” фани доирасида ташкил этиш орқали талабаларда рақамли ва медиа-ахборот компетентлигини баҳолаш кўрсаткичлари, даражалари ва мезонлари такомиллаштирилди.



4-расм. METoсфера дастурий таъминотининг ишлаш жараёни блок схемаси

Тажриба-синов ишлари 2019-2021 йиллар мобайнида амалга оширилиб, унга 599 нафар талаба-респондентлар жалб этилди. Тажриба-синов ишлари Тошкент давлат педагогика университети (224 нафар талаба), Чирчиқ давлат педагогика институти (154 нафар талаба) ва Қўқон давлат педагогика институт (221 нафар талаба)ларида ўтказилди.

Тадқиқот жараёнида қатнашган талаба-респондентлар тажриба ва назорат гуруҳларига бўлинди. Тажриба гуруҳларида 305 нафар талаба, назорат гуруҳларида эса 294 нафар талаба-респондентлар иштирок этди.

Медиаресурслар воситасида талабаларнинг мустақил таълим фаолиятини ташкил этиш жараёнини таҳлил қилиш ва синовдан ўтказиш уч босқичда амалга оширилди:

Асословчи тажриба-синов босқичида талабаларнинг мустақил таълимда билим олишнинг дастлабки ҳолати таҳлис қилинди, таълимда ахборот технологиялари фанидан мустақил таълим учун ажратилган мавзулар асосида талабаларнинг билим даражаси баҳоланди. Талабаларнинг мустақил таълим мавзуларини ўзлаштиришдаги муаммолар аниқланиб, уларда мустақил ўрганишда бўшлиқлар мавжудлиги аниқланди. Бу муаммо ва бўшлиқларни бартараф этиш мақсадида медиаресурслар воситасида талабалар мустақил таълимини ташкил этиш ва баҳоланишнинг электрон мажмуи яратилиши мақсад қилиб олинди.

